

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

| | |
|--|-----|
| О.Алиев | |
| Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи | 190 |
| К.Пулатов | |
| Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар) | 193 |
| С.Назарова | |
| Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули | 197 |
| Д.Тошпулатова | |
| Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши | 201 |
| И.Жўраев, Ҳ.Жўраев | |
| Навоий ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси | 204 |
| А.Акбаров | |
| Абадиятга даҳлдор можаро | 207 |
| Н.Соатова | |
| Бадий тасвирда адабнинг эстетик қарашлари | 210 |
| Н.Холматова | |
| Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши | 214 |
| Д.Юлдашева | |
| “Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш обьекти сифатида | 218 |
| Ш.Кахарова | |
| Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи..... | 220 |
| Ш.Мўминов | |
| Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир | 223 |
| Н.Юлдошева | |
| Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида | 226 |
| М.Хошимов | |
| Тилда «субъектив – модал баҳо” микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари | 228 |
| М.Хусайнова | |
| Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари | 236 |
| <hr/> | |
| ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ | |
| | |
| Илмга бахшида умр | 239 |
| Библиография | 242 |

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҲБАРЛИК ВА УНГА ЁНДОШ ТУШУНЧАЛАР
СЕМАНТИКАСИГА ДОИР

О СЕМАНТИКЕ УПРАВЛЕНИЯ И ЕГО КОНЦЕПТАХ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

ON THE SEMANTICS OF MANAGEMENT AND ITS CONCEPTS IN NEW UZBEKISTAN

Мўминов Шерозбек Сиддиқжонович¹

¹Мўминов Шерозбек Сиддиқжонович

— Фарғона давлатуниверситети тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада замон, жамиятдағы ўзгаришлар, унинг тилга, жумладан, раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига таъсир ишлесінде анықталған.

Аннотация

В статье изложены воззрения о влиянии времени и изменений в обществе на семантику языка, в частности на лидерство и связанные с ним концепции.

Annotation

The article outlines thoughts on the impact of time and changes in society on the semantics of language, including leadership and related concepts.

Таянч сўз ва иборалар: янгиланаётган замон, Янги Ўзбекистон, раҳбарлик, ёндош тушунчалар, семантика.

Ключевые слова и выражения: современность, Новый Узбекистан, лидерство, родственные понятия, семантика.

Key words and expressions: modernity, New Uzbekistan, leadership, related concepts, semantics.

Ўз номи ўзи билан "Ахборот асри" дея ном олган XXI асрда кундан-кунга "замон шитоби тез, парвози тикка" [2,190.] бўлиб бормоқда. Замон шиддати билан боғлиқ ҳолда жамият ҳам, одамлар қалби ва шуури ҳам янгиланмоқда. Бу жараён азалдан олиму фозиллар юрти бўлган Ўзбекистонда, айниқса, яқол сезилмоқда. Бу фикрни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқида айтган қўйидаги жумлалари ҳам яқол тасдиқлайди: "Жамиятни сийсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида Янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар орта қайтмайдан тус олди." [1,1].

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН пойдевори узок ўтмишга бориб тақалишини инобатга олган ҳолда, хар жиҳатдан янгиланаётган мамлакатимизда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикаси, раҳбар сўзи билан бир семантик майдонда турадиган тарихий ва замонавий лексик бирликларни англатадиган маънолар, бу маънолар моҳиятидан келиб чиқадиган раҳбарликнинг ўзига хос қирралари ва уларнинг раҳбар муроқот хулқида намоён

бўлиши хусусида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, баъзи Шарқ давлатлари, жумладан, мамлакатимиз тарихида давлатни подшоҳлар бошқарганлар.

ПОДШОҲ сўзига "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да шундай изоҳ берилган:

ПОДШОҲ [ф. ҳукмдор, улуғ, буюқ] Баъзи Шарқ мамлакатларида: мутлақ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвони ва шундай унвонга эга шахс, шоҳ.[4, 282].

Амир сўзи ҳам мана шундай семантик гуруҳга кирувчи сўзлардан бири бўлиб, бу сўз луғатда шундай изоҳланган:

АМИР [а. ҳоким, ҳукмдор; бошлиқ] 1 тар. Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси.[4, 78].

Деярли барча тадқиқотларда "амир" сўзининг қисқартма шакли "мир", деб эътироф этилади. Амир сўзи араб тилида амр этувчи, бошлиқ, ҳоким дегани бўлиб, қўйидаги маъноларни англатади:

1) араб халифалигида дастлабки халифалар унвони;

2) уммавийлар даврида алоҳида қўшин қўмандонлари;

3) халифалик томонидан забт этилган вилоятлар ҳокими;

4) қадимги подшоҳлар наслидан бўлмаган ҳукмдор;

5) Марказий Осиёда Чингизхон наслидан бўлмаган ҳукмдор;

6) йирик подшоҳ қўл остидаги (империя таркибидаги) алоҳида бир мамлакат ҳукмдори;

7) ислом халифасининг чет ўлкалардаги ноиби;

8) вилоят ҳукмдори;

9) лашкарбоши, каттагина бир кўшин бошлиғи;

10) бошлиқ;

11) ислом халифасининг ҳамда бошқа подшоҳларнинг канизакдан бўлган ўғли.

Подшоҳ, амир сўзларининг ўрнида бугунги кунда деярли барча ривожланган мамкакатларда Президент сўзи кенг қўлланилмоқда. Бу сўзга луғатда шундай изоҳ берилган:

1. ПРЕЗИДЕНТ [лот. президентс, президентис – олдинда ўтирувчи] Республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи.

2. Баъзи илмий муассасаса ёки жамиятларнинг маълум муддатга сайлаб қўйилган бошлиғи.

3. Фирма, банк, компания ва шу кабилардаги юқори мансабдор шахс. [4, 307].

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, юрт устида турган раҳбарлар турли даврларда турлича атамалар билан номланишган ва давр, сиёсат тақозоси билан бошқарув услублари ҳам ўзгариб борган. Аммо ҳамма замонларда ҳам раҳбарликда умумийликлар бўлганки, қўйида раҳбарликнинг мана шу жиҳатлари хусусида сўз юритамиз.

РАҲБАР форс-тожикча **РАҲА** (йўл, кўча: чорраҳа) сўзи билан ўзакдош бўлиб, йўлбошли, йўл бошловчи, жамият ҳамда ташкилотда доимий ва ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган шахс, шунингдек, ишнинг кўзини биладиган, жамоа, соҳа манфаатларини кўзлаб фаолият юритадиган бошқарув ходимиdir. [4, 362]. Бугунги ривожланиш босқичи раҳбардан ақл-фаросат, куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, тадбиркорликни талаб қиласди.

Замонавий раҳбар тушунчасининг қўйидаги жиҳатлари аҳамиятилидир:

1. Раҳбар ижтимоий шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини бошқарувчи сифатида омилкорлик билан иш юритувчи шахс.

2. Раҳбар ҳар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мустақил қарор қабул қила олиши лозим. Бу, фаолияти даражасини белгилайди.

3. У ўз соҳасига янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи ташаббускор шахс ҳисобланади.

4. Раҳбар меҳнати тадбиркорликка асосланган машаққатли фаолиятдир. Бу фаолиятга сарфланган куч, маблағ баъзан вақтинча фойда эмас, зарар келтириши, муассаса фойда ўрнига зарар кўриши ҳам мумкин. У бундай ҳолатларни олдиндан кўра олиш ва бунга тайёр туриши, зарур бўлганда, фаолиятини қайта бошлаши, ўзида бунга куч-ғайрат топа билиши лозим.

Юқорида келтирилган жиҳатлар раҳбарлик фаолиятининг маълум аспектларини намоён этади, холос. Масаланинг иккинчи муҳим томони – раҳбарлик фаолияти билан шуғулланувчи кишининг шахси билан боғлик хислатлардан иборат. Раҳбар ҳалол-пок, виждонли, иймонли, қаттиққўл, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Раҳбарликка эгри йўл, эгри қўл, эгри мақсад билан эришиб бўлмайди. Феъл-атворида эгрилик бор киши раҳбарлик лавозимида узоқ фаолият юритаолмаслиги ҳаётда ўз тасдигини топган.

Раҳбар мустақил бўлиши, ижтимоий фаолиятнинг қонуний тақиқланмаган ҳамма соҳаси билан шуғулдана олиши лозим. У фаол бўлмаса, жамиядда ижтимоий фаоллик шаклланмайди.

Бошқарувда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг ҳам роли катта.

Раҳбар ўз қобилияти, истеъодини ишга солиб изланади, шу мақсадда ҳаётни, одамларни чуқур ўрганади. Натижада, тўплаган билимлари, тажрибаларини бошқарувнинг умумий қонуниятларига уйғунлаштириб, ўзининг раҳбарлик усулини яратади. У ўз бошқарувини шакллантиришда мутлақо эркин шахсдир, аммо унинг раҳбарлик усули ижобий натижада бериши керак. Раҳбарлик фаолиятининг самарадорлиги шахснинг тафаккури, ақл-идрокига ҳам бевосита боғлик. Тафаккур раҳбарга кенг ва чуқур фикрлай олиш, яхшини ёмондан, фойдана зарадан, муҳимни номуҳимдан бехато ажратади олиш имкониятини беради. Агар раҳбарда қобилият шаклланган бўлса, бошқарувнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгаллаб, ўз жамоаси ўртасида обрў ва ишонч қозонади.

Демак, ҳар қандай раҳбардан кенг ва чуқур фикрлай олиш билан бирга, уддабурон, ҳаракатчан ва шижаотали бўлиш талаб этилади.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Шунинг учун раҳбарлик фаолиятини тафаккур ва ҳаракат бирлиги дейиш мумкин.

Раҳбардаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик ҳиссининг шаклланishiга сабаб бўлади. Малакали раҳбар кадрлар тизимини муваффақиятли шакллантириш учун ижтимоий психология, раҳбар психологияси, бошқарув психологияси каби билимларни яхши ўзлаштириш учун бор имкониятларини ишга солиш керак.

Раҳбар фаолиятининг самарадорлиги ўзини қандай баҳолай олиши, иш вақтининг қадрига етиши, ходимларни тартиб-интизомга қандай ўргатишига боғлиқ.

Йил давомида бажарилган ишлар якуни, яъни нималар қилгани эмас, балки қандай қилгани ҳам таҳлил этилиши лозим. Ташкилотдаги ҳар бир ходим фаолиятининг бундай таҳлили эртанги ишлар самарадорлиги учун жуда муҳим.

Қўл остидаги ходимлар билан ҳар йили аноним сўровлар ўтказиш ишдаги муваффақият гаровидир.

Хуллас, жамоадаги раҳбарлик қилиш катта санъат. Раҳбар – устоз, мураббий, жамоа тарбиячиси, жамиятдаги масъул шахс. Унинг машақатли меҳнати натижаси ўлароқ, келажак ворислари камол топиб боради. Демак, раҳбарларга эътибор – Ватан, ҳалқ тақдирига қаратилган эътибор.

Бугунги кунда раҳбар фаолиятида энг кўп тўқнашадиган мауаммо – бу, раҳбар маънавиятининг кўзгуси бўлган бошқарув маҳорати масаласи ҳисобланади. Бошқарув маҳорати эса, ўз навбатида, бугунги раҳбарнинг маънавий олами билан боғлиқ бўлиб, оддий фуқаролар кўз ўнгидаги унинг сиймоси (ижобий ёки салбий) шаклланади.

Маънавиятли раҳбар ўз фаолиятида бир қатор диагностика усулларини, жумладан, ходимларни баҳолаш ҳамда турли характердаги инсонлар гурӯхлари билан муносабатда бўлиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш, шахс ва жамоага таъсир ўтказиш, ишчан муносабатларни шакллантириш, сўровлар ўтказиш, сұхбатдошни тинглаш санъати, пировард ҳолатда тўғри қарорлар қабул қилиш

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 24 сентябрь.
2. Воҳидов Э. Муҳаббат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
3. МАЪНАВИЯТ асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор)

малакасини эгаллаш ва олинган билимларни амалиётда кўллашни ўрганиш даркори.

Раҳбар оддий шахс бўлмаслиги, айниқса, мулоқот, ишонтириш, сұхбатлашиш санъатини моҳирона эгаллаши, ўзига хос ўткир ақлга ва ҳаёт ҳамда билимнинг барча соҳаларида салмоқли тажрибага эга бўлиши зарур. Ҳар қандай раҳбар, биринчи навбатда, кишилар билан ишлайди ва у инсон тафаккурининг барча нозик жиҳатларини билиши ҳамда ижтимоий инсонни ўрганишга оид кенг билимларга эга бўлиши лозим.

Психологик билимларни атрофлича ўзлаштирган раҳбар юқори даражадаги маданият, хулқ, ахлоқ категорияларини ўзида доимий характерга айлантирган бўлади. Бу ҳолат раҳбарнинг ўзида индивидуал ва интеллектуал савияни ҳар томонлама такомиллаштириб боришни тақозо қиласди.

Мустақил ҳаёт йўлида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги “ўзбек модели” дея эътироф этган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўли, келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгаришлар ва янгиланишлар раҳбарларнинг шахсий эътиқоди ҳамда маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришда беқиёс омил бўлади.

Ўзининг раҳбарлик фаолиятини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган раҳбар ҳеч бир даврда миллий ғоя ва маънавий мағкурасиз камол топиши мумкин эмас. Маънавий қиёфаси, маънавий мағкураси бўлмаса, ҳар қандай раҳбар ўз йўлидан адашади. Раҳбарлик тушунчасининг мазмун-моҳияти (раҳбар маданияти, раҳбар масъулияти, раҳбар маънавияти, раҳбар маҳорати) “МАЪНАВИЯТ асосий тушунчалар изоҳли луғати” китобида чукур ва атрофлича ёритиб берилган. [3, 485-490].

Х у л а с, тилдаги ҳар бир сўз, ҳар бир атама давр, замон билан ҳамнафас ҳолда ўзгариб, янгиланиб туради. Замон билан ҳамқадам бўлиш учун эса янгиланаётган сўзлардан, жумладан, раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасидан боҳабар бўлишликни тақозо этади.